

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНКЛЮЗИВ
ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШИНГ ИЖТИМОЙИ
МАРКЕТИНГИ**

Аннотация: Мақолада олий таълим муассасаларида инклюзив таълим шаклини жорий этиш зарурияти муҳокама этилади. Инклюзив таълимнинг миллий ва ҳалқаро даражадаги ҳуқуқий асослари ўрганилиб таҳлил қилинган. Муаллиф мақолада инклюзив таълимнинг Ўзбекистон олий таълим муассасаларидаги мавжуд аҳволи, ҳамда таълимнинг ушбу шаклини жорий этишда тўсқинлик қилаётган омиллар атрофлича ўрганилган ҳолда уларни бартараф этиш бўйича бир қатор вазифалар ҳам белгилаб олинган. Таълим муассасаларида инклюзив таълимни жорий этиш, унинг анъанавий таълим шаклига самарали интеграциялаш ва мослаштириш бўйича зарурий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Инклюзив таълим, имконияти чекланган шахслар, ногиронлик, жисмоний ногиронлик, ақлий ногиронлик, ўқув дастурлари, махсус дастурлар, гендер тенглик, таълим сиёсати, ташкилий-бошқарув механизм.

Shoev A.X.
Gulistan State University
Researcher of the Department of Economics
Republic of Uzbekistan, Gulistan city

SOCIAL MARKETING FOR THE DEVELOPMENT OF INCLUSIVE EDUCATION IN HIGHER EDUCATION ESTABLISHMENTS

Resume: The article discusses the need for the introduction of inclusive education in higher education. The legal basis of inclusive education at the national and international levels has been studied and analyzed. The author identifies a number of tasks to address the current state of inclusive education in higher education institutions of Uzbekistan, as well as the factors that hinder the introduction of this form of education. Necessary recommendations have been developed for the introduction of inclusive education in educational institutions, its effective integration and adaptation to the traditional form of education.

Key words: Inclusive education, people with disabilities, disability, physical disability, mental disability, curricula, special programs, gender equality, education policy, organizational and management mechanism.

Бугунги кунда таълим тизими олдида турган асосий муаммолардан бири, жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун таълим олиш имкониятларини яратишидир. Ногиронлиги бор шахсларга таълим бериш, таълим тизимининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Кундалик ҳаёт тарзимизга “Ногирон шахс” атамаси муомалага киритилди. Даврий нашрларда ва илмий-тадқиқот ишларида ногиронлик тушунчасига турлича

таърифлар берилган бўлиб уларнинг кўпчилигида ушбу тушунчанинг мазмуни кенг ёритилган. Хусусан: бирлашган миллатлар ташкилоти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида “Ногиронлик-тана функциялари бузилган инсонлар ҳамда муносабат ва инфратузилма билан боғлиқ тўсиқлар орасидаги ўзаро алоқа натижасида вужудга келадиган ҳолат” [1.1-бет], “Ногиронлик-бу таълим олиш учун махсус шароит яратмасдан, таълим дастурларини ишлаб чиқишга тўсқинлик қиладиган жисмоний ва (ёки) ақлий қобилияти чекланган шахс. Ўқлик-болага нисбатан психологик-тиббий-педагогик комиссия ва катталарга нисбатан тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан тасдиқланган жисмоний ёки ақлий ногиронлик. Жисмоний ногиронлик-бу инсон органи ёки сурункали соматик ёки юқумли касалликнинг ривожланиши ва (ёки) ишлашида белгиланган тартибда тасдиқланган вақтинчалик ёки доимий етишмовчилик. Ақлий ногиронлик-бу инсоннинг ақлий ривожланишидаги, шу жумладан нутқнинг бузилганлиги, ҳиссий-иродавий соҳа, шу жумладан аутизмнинг, мия шикастланишининг оқибати, шу жумладан ақлий ривожланишнинг сустлиги, ўқишдаги қийинчиликларни келтириб чиқарадиган вақтинча ёки доимий равишда етишмасликдир”. [2.10-бет]. Шу нуқтаи назардан ногиронларни ўқитиш мураккаб, кўп куч ва вақт сарфланадиган жараён бўлиб, таълим тизимидан ушбу кўп қиррали муаммони ҳал этишга комплекс ёндашишни талаб қилади.

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида қонуний асосда ногиронларни таълим олиши учун барча шароитларни яратиш зарурати қайд этилган. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро декларациянинг 26-моддасида [3], Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциянинг 28-моддасида [4], ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияда [5], ногирон болаларга таълим олишда кўмаклашиш, ушбу шахсларнинг таълим олиши учун ўқув дастурлари ва баҳолаш

мезонларини уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий тамойиллари мустаҳкамланган.

XX-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида умумэтироф этилган стандартлар асосида профессионал таълим олиш имкониятларни тақдим этиш мақсадида соғлигида нуқсонлари мавжуд шахсларни оммавий таълим муассасаларга интеграциялаш ғояси ишлаб чиқилиб амалиётда кенг қўлланилиши бошланди. Бугунги кунда аксарият мамлакатлар таълим муассасалари Сегрегациядан воз кечиб (ажратиш, четлатиш, киритмаслик) ногиронларни оммавий таълим муассасалари ўқув жараёнларига интеграциялашга ўтмоқда. Бу, ўз навбатида, ногирон болаларни таълим муассасаларида ўқитишда янгича ёндашувни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бу соҳадаги янги ёндашувлардан бири бу “Инклюзив таълим” дир. Инклюзив таълим – бу ҳар ҳил эҳтиёжли болаларнинг умумий, ўрта ва олий таълим муассасаларида таълим олишлари учун қўшимча шароитлар яратиш, улар учун таълим муассасаларида қўшимча мосламаларни яратилишини талаб этувчи таълим тизимидир.

Одатда инклюзив таълим модели қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ❖ Ҳар бир шахс тенгдошларининг қўллаб-қувватлашига муҳтождир;
- ❖ Шахснинг кадр-қиммати унинг истеъдоди ва ютуқлари билан боғлиқ эмасдир;
- ❖ Ҳар бир инсонда фикрлаш ва ҳис қилиш қобилияти мавжуд;
- ❖ Инсон эшитиш ва мулоқот қилиш қобилиятига эгадир;
- ❖ Инсон инсонга муҳтождир;
- ❖ Инсоннинг тўлиқ ва муносиб таълим олиши фақат реал ҳамкорликда амалга ошади;

Бугунги кунда аксарият мамлакатлар инклюзив моделни таълим жараёнида жорий этиши қуйидаги муаммоларга дуч келмоқда:

- Аксарият таълим муассасалари соғлом, ногиронлиги бўлмаган ўқувчилар учун мўлжалланган ва жиҳозланган;
- Ногиронлиги мавжуд шахсларнинг жамиятга қўшилолмаслик муаммоси;
- Ногирон шахсларнинг бошқа инсонларга қарамлиги;
- Ногирон шахсларнинг моддий маблағ билан таъминланмаганлиги;
- Ўқув машғулоти олиб бориладиган аудиторияларда ўқувчилар сонининг кўплиги;
- Баъзи ҳолатларда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан салбий муносабат;
- Ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитишда профессор-ўқитувчилар билан боғлиқ муаммолар (аксарият ўқитувчилар бундай тоифадаги талабаларни ўқитишга мослашмаган);

Шиддат билан ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида ногиронлиги бор шахсларда олий маълумотли бўлиш ҳаётни ташкил қилишнинг энг самарали усулларида биридир. Олий маълумотли бўлиш бундай тоифадаги шахсларга;

- ҳаётни танлаш эркинлиги, маънавий ва моддий мустақилликни беради;
- дунёқараши ва ҳаётий мақсадларини шакллантиради;
- инсоннинг ўзгарувчан ижтимоий вазиятга мослашиш қобилиятини ривожантиради;
- ҳаётга теран нигоҳ билан қараш ва дунёқарашини уйғунлаштиради, бу айниқса ногирон ёшлар учун жуда муҳимдир;

Дунё аҳолисининг етти фоиздан ўн фоизигача ногиронлар ташкил қилаётган ҳозирга шароитда ногиронларни олий маълумот олиш имкониятини рўёбга чиқариш жуда долзарб ижтимоий-педагогик муаммо ҳисобланади. Шу сабабли, ногиронлар учун олий таълим тизимини ижтимоий ривожланиш эҳтиёжларига, ушбу тоифадаги талабалар эҳтиёжлари ва ҳаётий мақсадларига мослаштириш орқали олий маълумот

олиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Ногиронлиги бор талабалар билан ишлашни олий таълим муассасалари шароитида ташкил этиш ва амалга ошириш давлат ижтимоий сиёсатидаги замонавий тенденцияларни акс эттирувчи ғояларга, касб-хунар таълимни ривожланишида, хусусан талабалар контингентининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртларида ногиронлиги бўлган талабалар учун ўқитишни ташкил этишга қўйиладиган талабларни асословчи тамойилар, назариялар ва ёндашувларни ишлаб чиқиш даврни ўзи талаб қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015 йили Мингйиллик ривожланиш декларацияси доирасида 17 та мақсадни тақдим этди, улардан 6 таси: инклюзив таълимни ривожлантириш, қашшоқликни йўқ қилиш, сифатли таълимни таъминлаш, тенгсизликни йўқ қилиш, гендер тенглигини таъминлаш ва ижтимоий инклюзияга йўналтирилган. Ушбу мақсадлар, ўз навбатида, таълим соҳасида ўғил ва қиз болалар ўртасида дунё миқёсидаги тенгликка эришишни таъминлайди.

Жаҳон миқёсида ногиронлиги бор шахсларга яратилган имкониятлар борасидаги ислоҳотлар Ўзбекистонда ҳам фаол олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ногиронлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва таълим жараёнида муносиб билимларни ривожлантиришга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан: “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсияси”да[6] мамлакатимиз олий таълим муассасаларида инклюзив таълимни ривожлантириш борасида қуйидагилар назарда тутилган:

- ✓ аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳларини, хусусан, ногиронлиги бўлган одамларни олий маълумот билан қамраб олишни кенгайтириш;
- ✓ ногиронлар учун таълим хизматлари турларини кўпайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, инклюзив таълимни ривожлантириш ва тегишли адаптив технологияларни жорий этиш;

- ✓ ногирон ўқувчиларнинг ижтимоий мослашуви, ҳамма жойда инклюзив таълим ғоясини илгари суриш учун кенг имкониятлар яратиш;
- ✓ ногирон талабалар учун олий ўқув юртлари ва талабалар турар жойларида қўшимча шароитлар яратиш, зарур адабиётлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Ушбу концепция 2030 йилга қадар умумтаълим мактаб ва касб-хунар техникумлари битирувчиларининг олий маълумот билан қамраб олиншини 50 фоизгача таъминлашни назарда тутди, бу 2020 йилга нисбатан икки барабар кўп бўлиб олий ўқув юртларида ногиронлиги мавжуд талабалар сонининг кўпайиши ва олий таълим олиш имкониятларининг кенгайишидан далолат беради.

Бугунги кунда ногиронларни олий маълумот билан қамраб олиш муаммоси, уларнинг ўқиши учун тегишли шароитларнинг мавжуд эмаслигида намоён бўлмоқда. Жисмоний ёки ақлий ногиронлиги мавжуд аксарият ёшлар ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқишга мажбур бўлмоқда. Имконияти чекланган болаларни умумий таълим мактабларида ўқитиш учун зарур шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги сабабли улар уйда ўқийди ва бу, ўз навбатида, олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонлари талабларига жавоб бермайди. Ўзбекистон олий ўқув юртларида инклюзив таълимни ривожлантириш шаклланиш босқичида бўлиб, ушбу тизимда бир қатор камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистоннинг аксарият олий ўқув юртларида бинолар ва иншоотлар ногирон болаларни ўқитиш учун мослаштирилмаган, бу уларнинг тенгдошлари қатори умумий синфларда таълим олишига жиддий тўсиқдир. Ушбу камчиликлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: аксарият ўқув биноларида лифтлар мавжуд эмас ёки капитал таъмирталаб ҳолатда; олий таълим муассасаларида жадвалга мувофиқ талабалар бионинг турли қаватларида жойлашган аудиторияларда ўқийдилар,

баланд зинапоялар, пандусларнинг йўқлиги ногиронлар аравачасидаги талабалар учун бинога кириш ва бино ичида ҳаракатланишига тўсиқ бўлмоқдадир; Шу муносабат билан, ногирон ёшларнинг Ўзбекистон олий ўқув юртларида таълим олишлари учун тегишли шарт-шароитларни шакллантириш ушбу тизимнинг устувор вазифаси бўлиб, шошилиш чоралар кўришни талаб этмоқда. Ногиронлиги мавжуд талабаларни олий ўқув юртларида тахсил олиш жараёнида ҳам бир қатор муаммолар кўзга ташланмоқда. Жумладан:

- аксарият олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчилар таркиби инклюзив таълим шакли бўйича тайёргарлиги етарли даражада эмас;
- олий таълим муассасаларида инклюзив таълимга мослаштирилган махсус ўқув дастурларининг етишмаслиги, зарурий адабиётлар билан таъминланмаганлиги;

Ўз навбатида бу камчиликлар ва олий таълим тизимидаги мавжуд муаммолар 2030 йилгача мўлжалланган олий таълим тизimini ислоҳ этиш концепциясини ҳаётга татбиқ қилишда салбий таъсири эҳтимоли йўқ эмасдир.

Бизнинг фикримизча Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида инклюзив таълимни самарали татбиқ этиш ва ривожлантириш учун қуйдаги тавсияларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ногиронлиги мавжуд ёшларнинг таълимнинг барча бўғинларида (мактабгача таълим-мактаб-университет) таълим олишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш орқали мамлакатнинг таълим сиёсати мақсад ва вазифаларига мослаштириш;
- таълимнинг барча босқичларида (мактабгача таълим-мактаб-университет) инклюзив таълим моделини ишлаб чиқиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиш;

- ногиронлиги мавжуд шахсларнинг эҳтиёжаридан келиб чиқиб уларнинг сифатли таълим олишлари учун давлат томонидан кафолатланган ташкилий-бошқарув механизмларини ишлаб чиқиш;
- республика, вилоят, олий таълим муассасаси ва ундаги алоҳида йўналишар кесимида ногирон талабалар сони, таълим олиши, яшаши ва дам олиш шароитлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва статистикасини олиб бориш ишларини такомиллаштириш;
- бевосита инклюзив таълим модели билан шуғулланадиган педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;
- республикадаги мавжуд олий таълим муассасалари бино ва иншоотлари инфратузилмасини бевосита имконияти чекланган талаба ёшларга мослаштирилган ҳолда такомиллаштириш;
- олий таълим муассасаларида имконияти чекланган талаба ёшлар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда махсус ўқув дастурлари асосида ўқув-услубий мажмуалар ва талабалар билимини назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш;
- инклюзив таълим жараёнида ногирон талабаларнинг профессор-ўқитувчилари ва ота-оналарига ёрдам бериш мақсадида олий ўқув юртларида мураббий-тьюторлар фаолиятини ташкил этиш;

Бу тавсияларга амал қилиш 2030 йилгача мўлжалланган олий таълим тизимини ислоҳ қилиш концепциясида назарда тутилган мақсадларга эришиш ҳамда таълим муассасаларида инклюзив таълимни самарали интеграциялаш, мослаштириш ва ривожлантириш борасидаги ислохотларнинг ҳаётга тадбиқ этишда ёрдам беришига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конвенция о правах инвалидов. Принята резолюцией 61/106 Генеральной Ассамблеи ООН от 13 декабря 2006 года.

https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disability.shtml

2. Кондратьева С.И. “Механизм управления инновационным проектом по внедрению инклюзивной модели образования в ВУЗе” диссертация на соискание учёной степени кандидата экономических наук. М.: Московский государственный университет экономики, статистики и информатики – 2010 год.

3. Universal declaration of Human rights. New York, United Nations, 1948.

4. Convention of the Rights of the child. New York, United Nations, 1989.

5. Convention of the Rights of Persons with disabilities. New York, United Nations, 2006.

6. Ўзбекистон республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида” ПФ-5847-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>